

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК. 333+657.1+636.2



САНАЕВ ҒОЛИБ НУРУЛЛАЕВИЧ

**ҚОРАМОЛЧИЛИКДА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА
МАҲСУЛОТЛАР ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

657.5
С-30

Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуллаев Ёркул Абдуллаевич.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ибрагимов Абдугапур Каримович.

иқтисод фанлари номзоди
Нажбиддинов Сувон Ўринович.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
ва сув хўжалиги вазирлиги.

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
химояси бўйича Д 005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг
2010 йил « 5 » март соат « 14⁰⁰ » да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент ш., Х.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил « 1 » феврал да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди Т.М. Мирзаев.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизнинг агросаноат мажмуида бозор муносабатларининг ривожланиши қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрнини янгидан кўриб чиқишни тақозо этади. Қорамолчиликни барқарор суръатларда ривожлантириш учун ишлаб чиқариш жараёнларини самарали бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Тармоқни самарали бошқариш учун эса, назорат, режалаштириш ва таҳлилни тўғри ташкил этиш, мавжуд ички ресурслардан оқилона фойдаланиш лозим.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қорамолчилик маҳсулотларини сотишдан олинadиган фойдани кўпайтириш учун харажатлар тўғрисидаги оператив ва ҳаққоний ахборотларни ўзида мужассамлаштирган таннархни бошқариш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш талаб этилади. Ўзига хос ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлган қорамолчиликда харажатлар ва маҳсулот таннархини бошқариш билан боғлиқ муаммолар долзарб ҳисобланади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши бошқарув ҳисобининг замонавий моделини ўрганиш билан боғлиқдир. Бошқарув ҳисоби республикамизнинг аксарият қишлоқ хўжалик қорхоналарида юритилмайди ёки жуда кам қўлланилади. Унинг кўп унсурлари бухгалтерия, оператив ва статистика ҳисоб тушунчаларига кирмайди. Бунинг боиси шуки, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солишда бошқарув ҳисобининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари ишлаб чиқилмаганлигидир. Шу сабабдан, бозор иқтисодиёти талаблари доирасида қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда бошқарув ҳисоби унсурларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва ҳажминини назорат қилиш, эришилган молиявий натижаларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турлари бўйича қилинган харажатлар билан солиштириш ҳисобига хўжалик раҳбари муқобил бошқарув қарорлари қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Қорамолчилик республикамиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тадбиқ этилаётганлигига қарамастан, тармоқда ижобий, кенг қўламдаги силжишлар кузатилмааяпти.

«Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда... Шундан келиб чиққан ҳолда,

ер майдонларини тўлик инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танкидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжалиklarининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди»¹.

Қорамолчилик фермер хўжалиklarида бошқарув ҳисоби қўлланилиши ҳисобнинг сифати ва самарадорлиги, назорат ва харажатлар таҳлилини оширади, хўжалиklarга ишлаб чиқариш ва бошқарувда ҳисобнинг илғор методларидан фойдаланишда маълум мустақиллик яратади.

Қайд қилинган муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш зарурияти мазкур диссертация мавзусининг таъланишига сабаб бўлди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш ва уларни такомиллаштириш масалалари хорижий олимлар М.Бекер, Г.И.Гринман, К.Друри, Т.П.Карпова, М.З.Пизенгольц, В.Ф.Палий, Ч.Т.Хорнгрен, Дж.Фостер, А.Д.Шереметлар² томонидан тадқиқ этилган.

Республикамизда А.А.Абдуганиев, О.Бобожонов, С.В.Вохилов, Р.Д.Дўсмуратов, А.К.Ибрагимов, А.Х.Пардаев, Б.А.Ҳасанов³ларнинг илмий-тадқиқот ишларида бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиёти, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисобини қўлашга бағишланган А.А.Абдуганиев⁴нинг илмий ишида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришда бошқарув ҳисобини ташкиллаштириш, бошқарув ҳисоб режаси вариантлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг назарий, методологик ва амалий асослари ишлаб чиқилган. Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш масалаларига

¹ Каримов И.А. Жаҳон моллиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, «Ўзбекистон», 2009. - 23 б.

² Касл Э., Бекер М., Нелсен А. Эффективное фермерское хозяйство / Пер. с англ. Под. ред. А.А. Белозерцева. М.: Агропромиздат. - 1991. - 495 с.; Гринман, Г.И. Бухгалтерский учет на предприятиях агропромышленного комплекса : учеб. для вузов - М.: Ураджай, 1997. - 414 с.; Друри К. Учет затрат методом стандарт-кост / Пер. с англ. под ред. Н.Д. Эриашвили. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1998. - 224 с.; Карпова Т.П. Управленческий учет: учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 2003. - 350 с.; Пизенгольц М.З. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. Т.1. Ч.1. Бухгалтерский финансовый учет: учебник. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: 2001. - 61 с.; Палий В.Ф. Организация управленческого учета. - М.: Бератор-Пресс, 2003. - 224 с.; Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 415 с.; Шеремет А.Д. Управленческий учет: учебное пособие, 2-е изд., исп. М.:ИД ФБК ПРЕСС, 2001. -198 с.

³ Бобожонов О., Жуманиезов К. Бошқарув ҳисоби. Т.: 2005. - 367 б.; Вохилов С. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари: ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2004. - 237 б.; Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. - 466 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлар ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. Т.: БФА, 2002. - 41 б.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. - Т.: 2008. 149-150 б.; Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит услубиётини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. Т.: БФА, - 2004. - 42 б.

⁴ Абдуганиев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юретишнинг назарий ва амалий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. Т.: БФА, 2004. - 41 б.

бағишланган Б.А.Ҳасанов⁵ нинг гўшт-сут саноати, Д.У.Мамадияров⁶ нинг қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида илмий ишлари нашр этилган.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлар таннархининг калькуляциясини чорвачилик соҳасидаги, хусусан, қорамолчиликка ихтисослашган турли хил мулк шаклларига асосланган хўжаликлар мисолида алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги ушбу номзодлик диссертацияси мавзуси танланишига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент Молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш услубларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

– қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича услубий ёндашувларни тадқиқ этиш;

– қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг ўзига хос хусусиятларини асослаш;

– қорамолчиликда бошқарув ҳисобининг илғор услубларини ифодаловчи ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисоби тизимини аниқлаш;

– қишлоқ хўжалик корхоналарида муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни шакллантириш йўллари аниқлаш;

– қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида турли хил мулк шаклларига асосланган қорамолчилик хўжаликларни танлаб олинди.

Тадқиқот предмети. Тадқиқот предмети қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик методлар, статистик кузатиш, гуруҳлаш, таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси шундан иборатки, ишда берилётган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар амалиётда қўлланилиши натижасида

⁵ Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит услубини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. Т.: БФА, - 2004.-42 б.

⁶ Мамадияров Д.У. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва унинг услубиятини ривожлантириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. Т.: БФА, - 2007. – 21 б.

қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг харажатлар ҳисоби янада аниқлашади, маҳсулотлар таннархи калькуляция қилиниши орқали муқобил бошқарув қарорлари қабул қилишнинг объективлиги ошади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– қорамолчиликда харажатларни ҳисобга олишда харажатларни тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб туркумлаш;

– қорамолчиликда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархи калькуляция қилинишини такомиллаштиришда «стандарт-костинг» ва «директ-костинг» усулларини қўллаш;

– қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлар таркибий бўлинмаларини бюджетлаштириш жараёнини шакллантириш бўйича ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш.

Илмий янгиллиги:

– қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг хусусиятлари асосланди;

– қорамолчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаш услубияти аниқлаштирилди;

– қорамолчиликда харажатларни ҳисобга олишнинг «стандарт-костинг» ва «директ-костинг» усулларини қўллаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

– қишлоқ хўжалик корхоналарида муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни шакллантириш йўллари аниқланди;

– қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– қорамолчиликни оператив бошқариш учун ички ҳисоботлар тавсия қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича амалий ва методик таклифлар ишлаб чиқиш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ҳулосалар ва амалий тавсиялардан самарали фойдаланиш имкониятини яратишдан иборат. Диссертация материалларидан олий ўқув юрғларида «Фермер хўжаликлариде бухгалтерия ҳисоби», «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», «Молиявий ва бошқарув ҳисоби» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Илмий-тадқиқот жараёнида тайёрланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (14.12.2009 йилдаги далолатнома), Самарқанд вилояти фермерлар уюшмаси (8.05.2008 йилдаги далолатнома) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида «Фермер хўжаликлариде бухгалтерия ҳисоби», «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» фанларини ўқитиш

жараёнида фойдаланилмоқда (12.05.2008 йилдаги 9/523-сонли маълумотнома).

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши натижалари «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва молиянинг долзарб муаммолари» (2006, Самарқанд), «Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий анжумани» (2007, Тошкент), «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (2008, Москва), «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва методологик муаммолари» (2009, Тошкент), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари» (2009, Тошкент) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент Молия институти бирлашган илмий семинари ва Банк-молия академиясининг Бирлашган иқтисослашган кенгаш ҳузуридаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мазмуни ва натижаларининг умумий ҳажми 3,5 б.т. дан иборат бўлган учта илмий мақола, битта монография ва олтига илмий маъруза тезисларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 121 саҳифадан иборат бўлиб, унда 17 та жадвал, 11 та расм ва 12 та илова келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мамлакатимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиши қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг ривожланиши, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришдаги муҳим воқеа бўлди.

«Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа – қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз кифёсини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашдан иборатдир»⁷.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида республикамизда туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилиши кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантиришга катта имкониятлар яратмоқда.

⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. «Ўзбекистон овози газетаси», 2009 йил 17 февраль.

Республикада қорамолчилик тармоғининг ҳозирги ҳолати ва унинг таркибини таҳлил қилишда мавжуд қорамоллар сони динамикасининг ўзгариши муҳимдир, (1-жадвал).

1-жадвал

Қорамоллар сонининг йиллар бўйича ўзгариши, (барча тоифадаги хўжаликлар бўйича)⁸

Йиллар	Республика бўйича:		Самарқанд вилояти бўйича:	
	қорамоллар сони, минг бош	шундан сигирлар, минг бош	қорамоллар сони, минг бош	шундан сигирлар, минг бош
1996	5102,5	2234,2	733,1	323,1
1997	5196,4	2281,3	771,2	335,9
1998	5225,2	2290,2	781,7	343,6
1999	5281,8	2310,0	728,1	346,0
2000	5353,4	2343,4	794,0	383,5
2001	5416,1	2361,8	790,2	354,3
2002	5477,6	2393,2	807,4	362,3
2003	5878,8	2556,7	876,6	403,6
2004	6242,7	2704,0	965,5	451,1
2005	6571,4	2821,3	996,8	483,5
2006	7044,6	2982,5	1006,2	498,3
2007	7458,1	3124,9	1045,8	510,7
2008	8024,8	3327,0	1104,4	521,4

1-жадвалдан кўриниб турибдики, республика ва Самарқанд вилоятида қорамоллар сони барча хўжаликлар бўйича мунтазам ошиб борган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 1996 йилда республика бўйича қорамоллар сони 5102,5 минг бош бўлган бўлса, 2008 йилга келиб 8024,8 мингга етган, ёки 57,3 % га ортган.

Энди, қорамоллар сонини Самарқанд вилояти хўжаликлари бўйича тақсимланишини кўриб чиқамиз, (2-жадвал).

2-жадвал маълумотлари кўрсатишича, қорамоллар бош сони кишлоқ хўжалик қорхоналарида кескин камайиб борган, 2008 йилда қорамоллар сони 1997 йилга қараганда 71,2 минг бошга, ёки қарийб 99,0 % га камайиб кетган.

Қорамоллар бош сонининг кўпайиш тенденцияси вилоятнинг деҳқон хўжаликларида сезиларли даражада бўлган. 2008 йилда қорамоллар бош сони 1997 йилга нисбатан 418,0 минг бошга ёки 65,5 % га, сигирлар бош сони эса, 210,5 минг бошга ёки 71,4 % га кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Фермер хўжаликларида эса, қорамоллар сони йиллар давомида ошиб борган. Уларда қорамоллар бош сони 2008 йилда 1997 йилга қараганда 24,5

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 1996-2008 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

минг бошга ёки қарийб 106,1 % га ошганлигини кузатамиз. Шунга муносоиб сизирлар сони ҳам ошиб борган.

Ушбу ҳолат республикамизда қишлоқ хўжалик корхоналарининг тугатилиши ва қорамолларни деҳқон хўжаликларига ўтиши, шунингдек, фермер хўжаликларининг кўпайиши ҳисобига кузатилган.


2-жадвал

Самарқанд вилояти хўжаликларида қорамоллар сони ва тарқибининг ўзгариши, минг бош⁹

Хўжаликлар	Йиллар											
	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Қишлоқ хўжалик корхоналари												
Йирик шохли қорамол	71,9	58,8	51,5	42,8	33,6	24,8	18,4	14,0	14,1	5,2	1,5	0,7
шундан сизирлар	21,2	17,6	15,9	14,8	11,9	9,0	7,0	5,4	5,3	1,5	0,6	0,2
фермер хўжаликлари												
Йирик шохли қорамол	23,1	14,9	19,6	23,4	26,3	28,5	29,6	29,4	33,9	38,8	42,8	47,6
шундан сизирлар	7,0	3,6	5,4	6,8	7,9	8,3	8,5	8,5	8,9	11,7	13,1	15,8
деҳқон хўжаликлари												
Йирик шохли қорамол	638,1	697,5	710,6	715,9	734,1	736,9	759,4	833,2	937,5	952,8	1001,5	1056,1
шундан сизирлар	294,9	314,7	322,3	324,4	333,7	337,0	346,8	389,7	436,9	470,2	497,0	505,4

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикасини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Буни Самарқанд вилоятининг қорамолчилик бўйича барча тоифадаги хўжаликлари мисолида кўришимиз мумкин, (1-расм). Ушбу маълумотларга кўра, чорвачиликнинг асосий маҳсулотлари йиллар давомида мунтазам ошиб борган. Бунда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси сут ишлаб чиқаришга қараганда нисбатан суст ўсиб борган. Агарда вилоят бўйича сут ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 350,8 минг тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилга келиб 681,8 минг тоннани ташкил этган ва 331,0 минг тоннага ёки 94,4% га ошганлиги кузатилади. Шунингдек, гўшт ишлаб чиқариш суръатлари қуйидагича бўлган: 1997 йилда вилоят бўйича 97,1 минг тонна, 2008 йилда эса 159,7 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилиб, 62,6 минг тоннага ёки 64,5 % га ошганлиги қайд этилган. Вилоятда тухум ишлаб чиқариш динамикаси ҳам йиллар давомида ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин, бу кўрсаткич 1999 йилда нисбатан кескин ошиб, 2000-2002 йилларда бир хил тенденцияни эгаллаган, 2003 йилдан бошлаб эса, яна мунтазам равишда ошиб борганлиги кузатилади.


⁹ Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 1997-2008 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



1-расм. Самарқанд вилоятида чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини барча тоифадаги ҳўжаликларда ишлаб чиқариш динамикаси¹⁰

Энди, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини республикаимиз бўйича ҳўжалик субъектлари кесимида кўриб чиқамиз, (2-расм).


2-расмдан кўришиб турибдики, гўшт ишлаб чиқаришда етакчи ўринни деҳқон ҳўжаликлари ташкил этган. Қишлоқ ҳўжалик корхоналари 1996 йилда барча ҳўжалик субъектлари ҳиссасига нисбатан 17,5 % улушга эга бўлган бўлса, 2008 йилга келиб фақат 2,5 % ни ташкил этган. Фермер ҳўжаликлари ҳиссаси эса, республика бўйича гўшт ишлаб чиқариш улушига нисбатан мунтазам равишда 1,3 дан 2,5 % оралиғида тебраниб турганлигини кўриш мумкин.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида ҳўжалик тоифалари бўйича гўшт ишлаб чиқаришнинг ўзгариши¹¹

¹⁰ Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 1997-2008 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Худди шундай республикамиздаги барча хўжалик субъектлари бўйича сут ишлаб чиқаришни таҳлил қилиб кўрамиз, (3-расм). 3-расмдан кўриниб турибдики, сут ишлаб чиқариш бўйича ҳам деҳқон хўжаликлари етакчилик қилган. 2008 йилда улар ҳиссасига жами ишлаб чиқарилган сутнинг 96,8 % фоизи тўғри келган.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида хўжалиқ тўвфалари бўйича сут ишлаб чиқаришнинг ўзгариши¹²

Фермер хўжалиқларида сут ишлаб чиқариш суръатлари тадқиқ этилган мундтада мунтазам ошиб борганлигини кузатилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни қайд қилиш лозимки, ҳукуватимиз томонидан чорвачилиқ соҳаси, шу жумладан, қорамолчилиқни ривожлантириш борасида шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжалиқлари ва фермер хўжалиқларига катта эътибор берилмоқда.

Хўжалиқлар мустақил равишда ўз дастурлари ва ижтимоий ривожланиш режаларини ишлаб чиқишда, баҳо сиёсатини белгилашда хўжалиқ раҳбарлари томонидан муқобил бошқарув қарорлари қабул қилиниши уларнинг масъулиятини оширади.

Бошқарувчиларга самарали ва тезкор қарорларни қабул қилиш учун корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатини аниқ акс эттира оладиган маълумотлар зарур бўлади. Бозор иқтисодиёти ривожланаётган шароитда харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархи – илмий асосланган бошқарув қарорларини тадқиқ этиш ва қабул қилишда ахборот базаси муҳим ўрин тутди.

Харажатларни тезкор бошқариш учун уларнинг ҳисобини харажат элементлари ва модалари бўйича ҳисоб объектлари кесимида аниқ олиб бориш ва маҳсулот таннархини оператив аниқлаш, уни бозор баҳолари билан

¹¹ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 1997-2008 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹² Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 1997-2008 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

солиштириш ва молиявий натижаларни қисқа вақт оралиғида аниқлаш мўҳимдир.

Корхона раҳбарияти томонидан муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ахборотлар шаклланишида ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни олдиндан билиш тамойили;
- қабул қилинган қарорларнинг масъулиятлилиги тамойили;
- тўлиқлик тамойили;
- тушунарлилиқ тамойили¹³.

Биз, юқоридики кўрсатилган тамойилларни инкор этмаган ҳолда, уларни аҳамиятлилик (ҳисобот ўзида фойдаланувчи учун аҳамиятли бўлган маълумотларни акс эттириши лозим) ва таққослаш (ҳисобот маълумотлари режа, бюджет ва смета кўрсаткичлари билан таққослаш имкониятини бериши керак) тамойиллари билан тўлдириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Диссертация иши қорамолчиликда харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишга бағишланган. Бунда қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобининг шакллари, дастлабки, аналитик ва синтетик ҳисоблари ўрганилган ҳўжаликлардаги ҳолати тадқиқ қилинган ва амалий тақрифлар берилган.

«Фермер ҳўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида низом»¹⁴нинг қабул қилинганлиги аграр соҳадаги илк ижобий қадамлардан бўлди. Ушбу низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Фермер ҳўжаликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ фермер ҳўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш ва улар томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибини белгилайди.

Фикримизча, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қорамолчилик ҳўжаликлари фаолиятида қуйидаги тамойил асосий бўлиши лозим: энг аниқ калькуляция бу – қорхонанинг маҳсулот ишлаб чиқаришини таъминлайдиган харажатлари қўшиладиган калькуляция бўлиши лозим. Ушбу вазифани фақат «директ-костинг» тизимини қўллаш орқали ечиш мумкин.

Фикримизча, қорамолчилик ҳўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш учун бошқарув ҳисобининг «стандарт-костинг» ва «директ-костинг» усулларини қўшган ҳолда қўллаш зарур. «Стандарт-костинг» харажатларни меъёрлардан четланишлар таҳлил қилинишига имкон беради.

¹³ Пашингорова Г.И., Савченко О.С. Системы управленческого учета и анализа: учебное пособие. – СПб.: Питер, 2002. с.10.

¹⁴ Фермер ҳўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган.

«директ-костинг»ни қўллаш эса, таҳлилнинг имкониятларини кенгайтиради, самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради.

Диссертация ишида қорамолчиликда бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланди: сутни сотиш бюджети, сут ишлаб чиқариш бюджети, ишлаб чиқариш харажатлари бюджетларини тузиш таклиф этилган. Бюджетларнинг бажарилишида назоратни асослашга фикримизча, қуйидаги тамойилларни киритиш мумкин:

1. Жорий ва кейинги назоратларни қўйиш.
2. Корхона бўйича ва унинг алоҳида олинган жавобгарлик марказлари бўйича режаларнинг бажарилиши бўйича назоратни таъминлаш.
3. Режаларни бажаришдаги огишишлар сабабларини аниқлаш.
4. Назорат кўрсаткичларини маъсул ходимлар бўйича тақсимлаш.
5. Режаларнинг бажарилганлиги тўғрисида ҳисоботлар тузиш.

Ушбу тамойилларга мувофиқ, режаларни бажариш кўрсатилган муддатда ва йил охирида назорат қилиниши керак. Бу раҳбарнинг фақатгина йил охирида бошқарув қарорлари қабул қилиши учунгина эмас, балки йил давомида (жорий назорат) хўжалик фаолиятини барқарорлаштириш мақсадида қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

Фикримизча, қорамолчилик маҳсулотлари таннархини калькуляция қилиш учун бошқарув ҳисобининг қуйидаги усулларини қўллаш мумкин:

- «стандарт-костинг» тизими бўйича калькуляция;
- «директ-костинг» тизими бўйича калькуляция.

«Стандарт-костинг» тизимининг моҳияти шундан иборатки, ҳисобда нима содир бўлади, деган саволга жавоб бериш учун қўлланилади, яъни бу тизим бўлиб ўтган эмас, балки содир бўлиши кутилаётган харажатларни ҳисобга олади. Ушбу тизим ўз олдига корхона фойдасидан йўқотишлар ва четланишларни ҳисобга олиш мақсадини қўяди»¹⁵.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани «Шохсанам» фермер хўжалигида «директ-костинг» усули қўлланилишини таҳлил қиламиз. «Директ-костинг» тизими «Харажатлар-маҳсулот ҳажми-фойда» таҳлилин бажариш учун кенг имкониятлар яратади. Унинг асосида самарали бошқарув қарорлари қабул қилинади. «Директ-костинг» тизимининг унсурларига қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: маржинал даромад, рентабеллик чегараси (зарарсизлик нуқтаси), ишлаб чиқариш левридж.

Рентабеллик чегараси (зарарсизлик нуқтаси) - маҳсулот сотиш ҳажмини характерлайдиган кўрсаткич бўлиб, бунда маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинadиган тушум унинг барча харажатлари йиғиндисига тенгдир, яъни бу сотишларнинг шундай ҳажмики, унда корхона фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди»¹⁶.

Ушбу усулдан фойдаланишни қуйидаги фермер хўжалиги мисолида кўрамыз, (4-жадвал):

¹⁵ Прокофьева А.И. Животноводство: калькуляция затрат // Учет в сельском хозяйстве - М.: 2004. -№1. - 56 б.

¹⁶ Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. Т.: Молия, 2003. -144 б.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани «Шохсанам» фермер хўжалигида сут сотишнинг зарарсизлик нуқтасини аниқлаш, (2008 й.)¹⁷

Режалаштириляётган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот тури – сут
Сотиш ҳажми	Центнер	2 030
1 ц баҳоси	Сўм	65 000
1 ц сут учун ўзгарувчан харажатлар	Сўм	35 833
Маҳсулот бирлигига маржинал даромад	Сўм	29 167
Доимий харажатлар	Сўм	35 827 362

Зарарсизлик нуқтасида фойда суммаси нолга тенг бўлиб, маҳсулотлар сотилишининг критик нуқтаси куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$p \cdot q_{\text{крит.}} = X_{\text{ўзг.}} \cdot q_{\text{крит.}} + X_{\text{доим.}} \quad (1)$$

бу ерда: q – натурал ўлчовдаги сотиш ҳажми;

$q_{\text{крит.}}$ – сотишнинг критик ҳажми;

p – маҳсулот бирлиги баҳоси;

$X_{\text{ўзг.}}$ – маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар;

$X_{\text{доим.}}$ – доимий харажатлар.

Ушбу формулани куйидагича ўзгартирамиз:

$$q_{\text{крит.}} = X_{\text{доим.}} / (p - X_{\text{ўзг.}}) \quad (2)$$

Ушбу формулани маълумотлар асосида ҳисоблаганимизда куйидаги натижага эришамиз: $q_{\text{крит.}} = 35\,827\,362 / (65\,000 - 35\,833) = 1228,3$ ц.



4-расм. Зарарсизлик нуқтасининг график кўриниши.

¹⁷ Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, «Шохсанам» фермер хўжалиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Таҳлиллар кўрсатишича, фермер хўжалиги 1228,3 ц сотиш ҳажмига эришгандагина жами ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш имкониятига эга бўлади.

Ушбу маълумотларни график кўринишини тузамиз, (4-расм).

«Директ-костинг» усулини графикда акс эттириш орқали зарарсизлик нуқтаси, яъни фойда ва зарар ҳудудларини тўлиқ тасаввур қилиш имконияти яратилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, фермер хўжаликларининг раҳбарлари бошқариш жараёнида бухгалтерия маълумотларидан кам фойдаланадилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ҳисоб тизимини танлаш корхонанинг ҳажми ва унинг бошқарув ахборотларига бўлган талабига боғлиқдир.

ХУЛОСА

Қорамолчиликда харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишни таҳлил этиш қуйидаги илмий хулосалар олиш имконини беради:

- бошқарув ҳисоби тамойилларини аҳамиятлилик ва таққослаш тамойиллари билан тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз;

- бошқарув ҳисобининг мақсади ва вазифалари аниқлаштирилди. Бошқарув ҳисобига бухгалтерия ҳисобининг қуйи тизими сифатида қараб, унинг иқтисодий моҳияти корхонани бошқаришнинг асосий ахборот, назорат ва аналитик қисмидир;

- ишлаб чиқариш харажатларини аниқ маҳсулот турига олиб боришни аниқлаш, ресурслардан фойдаланишни меъёрлаштириш, режалаштириш ва назорат қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашни таъминлаш мақсадида тўғри ва эгри харажатларни сутчилик йўналишидаги қорамолчилик хўжалигига нисбатан гуруҳларга бўлишни тавсия этамиз;

- ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун фермер хўжаликларини кичик, ўрта ва йирик хўжаликларга ажратиш лозим. Сутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини бундай тартибда ажратиб олиш учун асосий подадаги соғин сигирлар сонини мезон қилиб олиш тавсия қилинди.

Тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг асосий субъектларига айланган фермер хўжаликлари учун таннарх калькуляцияси бўйича йўриқнома ишлаб чиқиши лозим. Албатта, бу борада ҳозирда чорвачилик харажатларини ҳисобга олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сонли қарорлари билан тасдиқланган «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом» ишлаб чиқилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, ушбу низомда

қорамолчилик хўжаликлари бўйича маҳсулот таннархини калькуляция қилиш кўрсатмалари ишлаб чиқилса, айнан мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– қорамолчилик хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш учун бошқарув ҳисобининг илғор усулларидан ҳисобланган «стандарт-костинг» ва «директ-костинг» усулларини уйғунлаштирган ҳолда қўллаш зарур. «Стандарт-костинг» харажатларни меъёрлардан четланишларини таҳлил қилишга имкон беради, «директ-костинг»ни қўлланилиши эса, таҳлилнинг имкониятларини кенгайтиради, самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига ёрдам беради;

– сутчилик фермер хўжаликларида бюджетлаштиришни қўллаш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Фермер хўжаликлари учун сут сотиш бюджети, сут ишлаб чиқариш бюджети ва сут ишлаб чиқариш харажатлари бюджетлари тузилди;

– диссертация ишида қорамолчилик хўжаликлари харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш бўйича кўрсатилган таклифларнинг фермер хўжаликларида қўлланилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, назорат, таҳлил, аналитик ҳисоблар ишончлилигини кўчайтиришга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш захираларини аниқлашга ёрдам беради.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Санаев Ғ.Н. Фермер хўжаликларида сервис хизматларининг ҳисоби // Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва молиянинг долзарб муаммолари. Профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, тадқиқотчилар ва амалиёт ходимларининг илмий-амалий конференцияси. - Самарқанд, 2006.-Б. 167-169.
2. Санаев Ғ.Н. Фермер хўжаликларида сут-гўшт маҳсулотлари харажатларини ҳисобга олиш, уларнинг таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш // Монография, „ФАН“ нашриёти.- Тошкент, 2006.- 119 б.
3. Санаев Ғ.Н. Қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида харажатлар ва маҳсулотлар таннархини таҳлили ҳамда ташкилий-иқтисодий масалалари // Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2007.-Б.-196-198.
4. Санаев Ғ.Н. Корпоратив бошқарув шароитида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции. – Москва, 2008.- С. 325-327.
5. Санаев Ғ.Н. Лалмикор иқтисодиётида бизнес-режа // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.- Тошкент, 2008.- №11.- Б. 28-30.
6. Санаев Ғ.Н. Лалмикор деҳқончиликда локализация // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.- Тошкент, 2008.- №12.- Б. 41-51.
7. Санаев Ғ.Н. Молиявий таҳлилнинг ахборот базаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг айрим муаммолари // Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва методологик муаммолари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. II-китоб. - Тошкент, 2009.-Б. 55-56.
8. Санаев Ғ.Н. Қорамолчилик фермер хўжаликларида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлашдаги муаммолар // Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудитнинг назарий ва методологик муаммолари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. II-китоб. -Тошкент, 2009.-Б. 56-60.
9. Санаев Ғ.Н. Қорамолчилик харажатлари ҳисоби // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.- Тошкент, 2009.- №12. Б. 28.
10. Санаев Ғ.Н. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш усуллари // Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. I-қисм. – Тошкент, 2009. –Б. 118-124.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Санаев Ғолиб Нуруллаевичнинг 08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича «Қорамолчиликда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: харажатлар, харажатлар таснифи, ишлаб чиқариш харажатлари, тўғри харажатлар, эгри харажатлар, ўзгарувчан харажатлар, ўзгармас харажатлар, даромад, фойда, ишлаб чиқариш харажатлари объекти, таннарх, калькуляция, «стандарт-костинг», «директ-костинг», зарарсизлик нуктаси.

Тадқиқот объектлари: турли хил мулк шаклларига асосланган қорамолчилик хўжаликлари.

Ишнинг мақсади: қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш услубларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик методлар, статистик кузатиш, гуруҳлаш, таққослаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилigi: қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг хусусиятлари асосланди; қорамолчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаш услубияти аниқлаштирилди; қорамолчиликда харажатларни ҳисобга олишнинг «стандарт-костинг» ва «директ-костинг» усулларини қўллаш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди; қишлоқ хўжалик қорхоналарида муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни шакллантириш йўллари аниқланди; қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилинини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди; қорамолчиликни оператив бошқариш учун ички ҳисоботлар тавсия қилинди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида олинган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация ишининг илмий тақлиф ва амалий тавсиялари Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари уюшмаси амалиётида фойдаланиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлирида «Фермер хўжаликлариди бухгалтерия ҳисоби», «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», «Молиявий ва бошқарув ҳисоби» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: қорамолчиликдаги хўжалик субъектлари, олий ўқув юртлири.

РЕЗЮМЕ

диссертации Санаева Голиба Нуруллаевича на тему: «Учет затрат в скотоводстве и усовершенствование калькуляции себестоимости продукции» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08 - «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит»

Ключевые слова: затраты, классификация затрат, производственные затраты, прямые затраты, косвенные расходы, переменные расходы, постоянные расходы, доход, прибыль, объект производственных затрат, себестоимость, калькуляция, стандарт-костинг, директ-костинг, точка безубыточности.

Объекты исследования: скотоводческие хозяйства, основанные на разных формах собственности.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на усовершенствование способов калькуляции себестоимости продукции и учета производственных затрат в специализированных скотоводческих хозяйствах.

Методы исследования: сравнительный анализ, экономико-математические методы, статистическое наблюдение, группировка, сопоставление.

Полученные результаты и их новизна: выявлены особенности ведения бухгалтерского учета производственных затрат в скотоводстве; уточнены методика группировки затрат на производство продукции; разработаны предложения по применению методов «стандарт-костинг» и «директ-костинг» учета затрат в скотоводстве; определены пути формирования информации для принятия оптимальных управленческих решений в сельскохозяйственных предприятиях; разработаны предложения по усовершенствованию учета производственных затрат и анализа себестоимости продукции в скотоводстве; рекомендованы внутренние отчеты для оперативного управления скотоводством.

Практическая значимость: разработанные научные предложения и практические рекомендации могут быть использованы при совершенствовании учета производственных затрат и калькуляции себестоимости продукции в специализированных скотоводческих хозяйствах.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации диссертации приняты ассоциацией фермерских хозяйств Самаркандской области. Материалы исследования могут быть использованы в совершенствовании учебных программ курсов «Бухгалтерский учет в фермерских хозяйствах», «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит», «Финансовый и управленческий учет» и при преподавании в высших учебных заведениях.

Область применения: хозяйствующие субъекты в скотоводстве, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Sanaev Golib Nurullaevich on the scientific degree competition of the candidate of economic sciences on specialty 08.00.08 – «Accounting, economic analysis and audit», subject: «Cost accounting on cattle and improving of calculation of products»

Key words: costs, cost classifications, production costs, direct costs, indirect costs, variable costs, fixed costs, revenue, profit, subjects of the production costs, cost price, calculation, standard costing, direct costing, break-even point.

Subjects of research: different types of entities specialized on cattle and dairy production.

Aim of research: elaboration scientific offers and practical suggestions directed at efficiency of cost accounting and cost price of cattle and dairy farms.

Methods of research: the comparative analysis, economic-mathematical methods, statistical supervision, grouping, comparison.

The results obtained and their novelty: additional principles of cost accounting in cattle breeding are developed and tasks of cost accounting in cattle breeding are determined' the purposes and problems of accounting of production costs in cattle breeding and grouping of expenses for productions are specified' offers on application of the methods «the standard costing» and «direct costing» in cattle breeding are developed' ways of formation of the information for acceptance of management decisions in the agricultural enterprises are specified' offers on improvement of the account of production costs and the analysis of the cost price of production in cattle breeding are developed; internal reports for an operational management are recommended in cattle breeding.

Practical value: the recommendations and suggestions which are issued at the end of the research can be used in improving of accounting of cattle and dairy production.

Degree of embed and economic effectivity: scientific offers and practical suggestions of dissertation were adopted by farms' association of Samarkand region. The results from research may be used in higher educational institutions for improvement and training such subjects as «Accounting in farms», «Accounting, economical analysis and audit», «Financial and management accounting».

Field of application: business entities specialized on cattle and dairy production, higher educational institutions.

Тадқиқотчи



Босишга рухсат этилди	18.01.2010
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табоғи	1,5 б.т.
Адади	100
Буюртма	№ 9

**Тошкент Молия институти босмахонасида
ризография усулида чоп этилди. 100000, Тошкент
Амур Темур шох кўчаси, 60^А-уй**